

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

452 Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сон қарорининг 4-бандини бажариш юзасидан ҳамда спорт тиббиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда унинг самарали фаолиятини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар комплекси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази учун бино қурилиши тугаллангандан ва фойдаланишга қабул қилингандан кейин бир ой муддатда Марказнинг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, Спорт тиббиёти маркази фаолиятини молиялаштириш 2014-2015 йилларда «Спорт» бўлими бўйича маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига, 2016 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиячиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 15 август,
226-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 15 августдаги 226-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси
ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий
маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда Спорт тиббиёти маркази деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 3 июлдаги ПҚ–1994-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Спорт тиббиёти маркази спорт тиббиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзолари бўлган спортчиларни ва уларнинг барча ёш тоифаларидаги захирасини (кейинги ўринларда биркитилган контингент деб аталади) тиббий-биологик ва тиббий-психологик жиҳатдан мусобақаларга тайёрлашни таъминловчи, шунингдек миллий антидопинг хизмати функциясини бажарувчи ихтисослаштирилган бош тиббиёт муассасаси ҳисобланади.

Спорт тиббиёти маркази спорт тиббиёти соҳасида ихтисослашув турларига кўра тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ўқув базаси ҳисобланади.

2. Спорт тиббиёти маркази юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг тўлиқ номи кўрсатилган муҳрга эга бўлади.

3. Спорт тиббиёти маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Спорт тиббиёти марказининг тўлиқ номи:

давлат тилида — Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази;

рус тилида — Республиканский научно-практический центр спортивной медицины.

Спорт тиббиёти маркази қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 августдаги 499–ф-сон фармойишига мувофиқ қурилаётган бино (Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси биноси ёнида).

5. Спорт тиббиёти маркази Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига бўйсунди.

II. Спорт тиббиёти марказининг мақсадлари, вазифалари ва функциялари

6. Қўйидагилар Спорт тиббиёти марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

илмий-ташкилий, методик ишлар, спортчиларга маслаҳат-диагностика, даволаш-профилактика ва реабилитация ёрдами кўрсатиш масалалари бўйича спорт федерациялари, клублари ва командалари тиббиёт ходимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

касалланишни профилактика қилиш, турли касалликлар ва жароҳатларни даволаш ва тиббий реабилитация қилиш (ваколатлари доирасида), шунингдек биркитилган контингент саломатлигини тиббий назорат қилиш усуларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

юқори технологияли моддий ва илмий базани, шунингдек сифатнинг юқори ва халқаро стандартлар талаблари даражасида ихтисослаштирилган тиббиёт ёрдами кўрсатишга йўналтирилган спорт тиббиётининг миллий мактабини шакллантириш;

биркитилган контингентга спорт патологиясини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилиш масалаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш.

7. Қўйидагилар Спорт тиббиёти марказининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

спорт тиббиёти соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, спорт турининг хусусиятини, йўл қўйиладиган жисмоний юкламани, спорт патологиясини даволаш ва олдини олишнинг илғор услубларини, мусобақаларга тайёргарлик кўришда спортчиларнинг тиббий назоратини ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг функционал аҳволини диагностика ва коррекция қилиш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

иктидорли ёш ва истиқболли спортчиларни, уларнинг индивидуал генетик ва фенотипик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлашнинг замонавий тиббий-биологик услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

спортчиларни спорт турлари бўйича тайёрлашнинг яқка тартибдаги дастурларини ишлаб чиққан ҳолда мусобақаларга тайёрлашнинг турли даврларида дори-дармонларнинг, овқатланиш тартиби ва рационининг спортчиларнинг физиологик ҳолатига таъсирини тадқиқ қилиш;

антидопинг назоратининг самарали тизимини, шунингдек спортда фармакологик таъсирга эга бўлган дори-дармон ва бошқа воситаларнинг қўлланилишини назорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мусобақа ва машғулотларни режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда спортчининг индивидуал спорт жисмоний юкласини текшириш ва мақбуллаштириш;

спортчи организмнинг жисмоний тайёргарлиги ўсишига ва масъулиятли халқаро мусобақаларга энг юқори функционал тайёргарлигини таъмин-

лашга қаратилган улар саломатлиги даражасининг муттасил ўсишини назорат ва коррекция қилиш;

спортчиларнинг халқаро мусобақаларда қатнашишга психологик тайёргарлигини, шунингдек зарур психологик коррекционни ўтказишни таъминлаш;

спортчиларда спорт жароҳатлари, патологиялари ва синдромларини, шу жумладан республиканинг бошқа ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари даволаш-диагностика базаларидан фойдаланган ҳолда, олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш;

мамлакатда спорт тиббиёти ва антидопинг назорати соҳасидаги илғор методика ва технологияларни алмашиш ва жорий қилиш учун бу соҳадаги етакчи хорижий муассасалар билан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

спорт федерациялари, клублари ва жамоалари тиббий ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашиш, уларга илмий-ташқилий, маслаҳат-диагностика, даволаш-профилактика ва реабилитация ишлари масаласида услубий ёрдам кўрсатиш.

8. Спорт тиббиёти маркази ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

спорт патологиясининг энг кўп тарқалган турларини диагностика қилиш, даволаш, профилактика ва реабилитация қилишнинг илғор самарали услублари ҳамда технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

спорт тиббиёти соҳасида диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация қилиш услубларининг клиник синовларини амалга оширади;

спорт федерациялари, клублари ва жамоаларининг тиббиёт ходимларига ташқилий-услубий ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

ўз соҳаси бўйича юқори малакали мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

спорт патологияси профилактикаси, диагностикаси ва уни даволашнинг ўз илғор услублари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқотларни амалга оширади;

мавжуд тиббиёт техникаси парқини доимий янгилаб бориш ва модернизациялашни, спорт патологиясида ихтисослаштирилган, юқори малакали ёрдам кўрсатиш ва тиббий реабилитация қилиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашни таъминлайди;

тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт муассасалари ва клиникаларида диагностика ва даволашнинг замонавий услублари бўйича тажриба орттиришини ташкил этиш ҳисобига доимий ошириб бориш ва такомиллаштиришни ташкил қилади;

спорт тиббиёти соҳасида илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар киритади;

ўзининг илмий ва технологик ютуқларини хорижий тиббиёт жамоатчилиги олдида намойиш этади;

спорт патологияси бўйича ўзининг илмий, ўқув-услубий ва ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр этади.

III. Спорт тиббиёти марказининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Спорт тиббиёти маркази белгиланган мақсадларга эришиш ва ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолиятини ушбу Низомда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар доирасида режалаштириш ва амалга ошириш;

ўз балансига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

спорт тиббиёти бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш учун грантлар, шу жумладан Давлат бюджетидан грантлар олиш юзасидан танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ва илмий-техник ҳамкорликни ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан келишган ҳолда республика ҳудудида филиаллар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда, кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг, амалга ошириладиган ишларнинг барча турларига тарифлар ва нархларни белгилаш;

қонун ҳужжатларига, Спорт тиббиёти маркази фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

10. Спорт тиббиёти марказининг мажбуриятлари:

спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчиларининг, шунингдек расмий мусобақаларда қатнашувчи тренерлар ва ҳакамларнинг дастлабки танловини, уларни тайёрлаш ва тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга оширишни таъминлаш;

спорт патологияси соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган биркитилган контингентни диагностика қилиш ва даволашни замонавий халқаро сифат ва стандартлар талаблари даражасида сақлаш ва ривожлантиришни таъминлаш;

биркитилган контингентга ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш;

етақчи хорижий клиникаларда ходимларни тизимли равишда тор ихтисосли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ходимларга меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, техника хавф-

сизлиги, ижтимоий таъминот ва манзилли ижтимоий муҳофаза қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шароитларини кафолатлаш;

моддий-техник базани ўз маблағлари ҳисобига ривожлантириш ҳамда замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш;

мол-мулкдан белгиланган мақсад бўйича фойдаланиш, унинг сақланишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини ва ҳисоботларини юритиш.

IV. Спорт тиббиёти марказининг мол-мулки

11. Спорт тиббиёти марказининг мол-мулки асосий фондлардан, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслардан иборат бўлади.

12. Спорт тиббиёти маркази фаолиятининг мақсадларига мувофиқ ўз мол-мулкига эга бўлади, уларни тасарруф этади, шу билан бирга, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.

13. Спорт тиббиёти маркази мулкдор билан келишув бўйича, вақтинча фойдаланилмаётган хоналарни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, шартнома асосида, тушган маблағлардан келгусида ривожлантириш учун фойдаланган ҳолда ижарага, субижарага топшириш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

V. Спорт тиббиёти марказини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш

14. Спорт тиббиёти марказини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси томонидан амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор Спорт тиббиёти маркази фаолиятига раҳбарлик қилади.

Директор:

ўз фаолиятини Спорт тиббиёти маркази номидан амалга оширади, молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, шартномалар тузади, бошқа масалаларни ҳал этади;

ўз ваколатлари доирасида ходимлар (филиаллар) ишларини ташкил қилади ва бошқаради, ходимларнинг бажариши учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Спорт тиббиёти маркази фаолияти учун жавоб беради.

16. Спорт тиббиёти маркази директорининг ўринбосарлари (филиалларининг раҳбарлари) Спорт тиббиёти маркази директорининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

17. Спорт тиббиёти марказининг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудид ва унинг ташқарисид ташкил этиладиган филиаллар белгиланган тартибда кириши мумкин.

18. Спорт тиббиёти марказининг биркитилган контингентга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

VI. Спорт тиббиёти маркази фаолиятини молиялаштириш

19. Қуйидагилар Спорт тиббиёти маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджети маблағлари — Спорт тиббиёти маркази фаолиятининг дастлабки 2 йили мобайнида;

Ўзбекистон олимпиячиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

Спорт тиббиёти марказининг ўз маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

20. Спорт тиббиёти маркази ҳар йили келгуси календарь йилга Марказнинг даромадлари ва харажатлари сметасини ва штатлар жадвалини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасига тақдим этади.

Бунда Марказнинг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига мувофиқ, бошқа ходимлар учун эса — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича белгиланади.

21. Спорт тиббиёти марказини тиббиёт ва лаборатория асбоб-ускуналари ҳамда офис мебелли билан жиҳозлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сон қарорининг 7-бандида белгиланган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

VII. Спорт тиббиёти марказининг ҳисоб ва ҳисоботи

22. Спорт тиббиёти маркази қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларининг ҳисобини юритади ва Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасига, давлат солиқ хизмати органларига, статистика органларига ҳамда бошқа ваколатли органларга ҳисоботлар тақдим этади, ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат сақловига топширилиши учун жавоб беради.

23. Спорт тиббиёти маркази фаолиятини назорат қилиш ва текшириш

уларнинг ваколатлари доирасида солиқ ва молия органлари, давлат бошқа органлари томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудиторлик ташкилотлари томонидан улар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

VIII. Спорт тиббиёти марказини қайта ташкил этиш ва тугатиш

24. Спорт тиббиёти марказини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 15 августдаги 226-сон қарорига
2-ИЛОВА

452-модда

**Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги
Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини
ташkil этишга доир чора-тадбирлар
КОМПЛЕКСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми
1. Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда Спорт тиббиёти маркази деб аталади) фаолияти ва ишлашини ташkil этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш. Спорт тиббиёти марказини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш					
1.	Спорт тиббиёти маркази тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2013 йил август	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, МОҚ, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	-	Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш.
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташkil этиш тўғрисида» 2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сон қарори талабларига мувофиқ МОҚнинг Уставини қайта кўриб чиқиш.	2013 йил сентябрь	МОҚ, Адлия вазирлиги	-	Адлия вазирлигида МОҚ Уставини рўйхатдан ўтказиш.
3.	Спорт мусобақалари ўтказишнинг янги таҳрирдаги тиббий регламентини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	2014 йил январь	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ)	-	Спорт мусобақалари ўтказишнинг тиббий регламентини тасдиқлаш бўйича қўшма қарор қабул қилиш.
4.	Спорт тиббиёти марказининг штатлар жадвалини ҳамда харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2013 йил IV чорак	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, Молия вазирлиги	-	Спорт тиббиёти марказининг штатлар жадвалини ҳамда харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқлаш.
5.	Спорт тиббиёти марказининг таркибий бўлинмалари, ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар ва уларнинг лавозим мажбуриятлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш.	2013 йил декабрь	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ССВ	-	Спорт тиббиёти маркази қарорини қабул қилиш.
6.	Спорт тиббиёти марказини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш.	2014 йил IV чорак	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ, Маданият	-	Спорт тиббиёти маркази фаолияти йўналишлари бўйича пухта билимга эга бўл-

— 12 —

34 (586) -сон

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми
			ва спорт ишлари вазирлиги	-	ган мутахассисларни жалб этган ҳолда танлов ўтказиш.
II. Спорт тиббиёти марказининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш. Спорт федерациялари, клублари ва командаларининг тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, уларга илмий-ташкилий, маслаҳат-диагностика, даволаш-профилактика масалалари ва реабилитация ишлари бўйича методологик ёрдамлар кўрсатиш					
7.	Олий тиббиёт ўқув муассасалари кафедралари негизидаги клиник ординатура орқали спорт тиббиёти бўйича дастлабки ихтисослашувдан ўтиш йўли билан спорт тиббиёти соҳасида мутахассислар тайёрлаш.	2014 — 2017 йиллар	ССВ, МОҚ	Олий тиббиёт ўқув муассасаларининг бюджет ва тўлов-контракт маблағлари доирасида	Базавий тиббий маълумотга эга бўлган врачлар (даволаш ва педиатрия иши) учун — МОҚ буюртманомасига кўра олий тиббиёт ўқув муассасалари кафедраларида камида 5 нафар врачнинг магистратура ва клиник ординатурани ўташини таъминлаш.
8.	Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг спорт тиббиёти курси билан физиотерапия, гастроэнтерология, даволаш, жисмоний тарбия кафедраси негизида спорт тиббиёти бўйича ихтисослашувдан ўтиш.	2014 — 2017 йиллар	ССВ, МОҚ	Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	МОҚ буюртманомасига кўра 10 нафар врач-мутахассиснинг спорт тиббиёти бўйича ихтисослашувдан ўтиши учун ҳар йилги квоталар белгилаш.
9.	Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш.	Ҳар йили	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ	Бажарувчилар маблағлари	Республика ва хорижий мамлакатларнинг ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини оширишни таъминлаш. Яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг етакчи спорт марказлари ва клиникаларида спорт тиббиёти бўйича мутахассислар стажировкасини ташкил этиш.
III. Спорт тиббиёти марказини қуриш ва жиҳозлаш					
10.	Спорт тиббиёти маркази ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси марказий аппаратини жойлаштириш учун янги бино қуриш.	2013-2014 йиллар	МОҚ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Давархитектқурилиш», манфаатдор вазирликлар ва идоралар	-	Янги бинонинг қурилиши учун буюртмачи, бош пудратчи ва лойиҳалаш ташкилотини, ишларни амалга ошириш муддатларини белгилаш, шунингдек қурилишни жадаллаштиришни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш.
11.	Спорт тиббиёти марказини жиҳозлаш табелини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2014 йил январь	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ССВ	-	Миллий олимпия қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми
					Спорт тиббиёти марказининг қарорини қабул қилиш.
12.	Спорт тиббиёти марказини жиҳозлаш учун тиббий, лаборатория ва бошқа асбоб-ускуналарнинг батафсил рўйхатини тайёрлаш.	2014 йил февраль	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ССВ	-	Миллий олимпия қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган Спорт тиббиёти марказининг қарорини қабул қилиш.
13.	Спорт тиббиёти марказини тиббий, лаборатория ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.	Тасдиқланган жадвалларга мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 3 июлдаги ПҚ-1994-сон қарорининг 7-бандига асосан	Белгиланган тартибда тиббий, лаборатория ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш.
14.	Янги бино қурилиши учун қурилиш материаллари ва конструкциялари, божхона тўловларидан озод қилинадиган тиббиёт инвентарлари ва асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар ва харажат материаллари рўйхатини тасдиқлаш.	жадвалга асосан	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	-	Вазирлар Маҳкамаси фармойишини қабул қилиш.
IV. Спорт тиббиёти соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш					
15.	Спорт тиббиёти марказида хизмат кўрсатиладиган спортчилар контингентини аниқлаш.	2013 йил сентябрь	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	-	Спортчиларнинг тоифалари ва шахсий таркибини аниқлаш.
16.	Спорт тиббиёти соҳасида фундаментал, амалий ва инновация илмий тадқиқотлар ўтказиш, спорт патологиясининг олдини олиш ва даволашнинг илғор услублари, йўл қўйилган жисмоний юклар, спорт турининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг диагностика ва функционал ҳолатини яхшилаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мусобақаларга тайёрлашда спортчиларни кузатиб бориш.	2014 йил сентябрь 2014 йил октябрь-ноябрь доний	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси	Бажарувчилар маблағлари	1. Янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, фармакология ва диетология бўлимларини спорт тиббиётининг юқори малакали мутахассислари билан таъминлаш. 2. Ушбу соҳада пухта билимга эга бўлган мутахассисларни жалб этган ҳолда спорт тиббиётини ривожлантиришнинг жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини тасдиқлаш. 3. Илмий тадқиқотлар ўтказиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми
17.	Ёш иқтидорли ва истиқболли спортчиларнинг шахсий генетик ва фенотипик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни тиббий-биологик танлаб олишнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2014 йил декабрь 2015 йил январь 2015 йил февраль мунтазам равишда	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси	Ижрочилар маблағлари	1. ССВ, Фанлар академияси, олий ўқув муассасаларининг мутахассисларини жалб этган ҳолда жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб тиббий-биологик танлаб олиш методларини ишлаб чиқиш. 2. Тиббий-биологик танлаб олиниши лозим бўлган спортчиларнинг янгиланган туриладиган реестрини ташкил этиш. 3. Терма командалар спортчи аъзолари ва уларнинг тез кундаги захираси, ихтисослаштирилган спорт таълим муассасалари ўқувчилари сафидан истиқболли спортчи ёшлар, спорт клублари ва жамиятлари аъзолари, «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари совриндорлари ва қатнашчиларининг тиббий-биологик маълумотлари ягона базасини яратиш. 4. Мунтазам равишда танлов ўтказиш.
18.	Спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлашнинг яқка тартибдаги дастурларини ишлаб чиққан ҳолда мусобақаларга тайёрлашнинг турли даврларида спортчиларнинг жисмоний ҳолатига дори-дармонлар, овқатланиш режими ва рационининг таъсирини текшириш.	Доимо	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси	Бажарувчилар маблағлари	1. Халқаро тажрибани ўрганиш. 2. Спортчиларнинг жисмоний ҳолатига дори-дармонлар, овқатланиш режими ва рационининг таъсири бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш. 3. Спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлашнинг яқка тартибдаги дастурларини ишлаб чиқиш.
19.	Замонавий фармакология ютуқларидан фойдаланган ҳолда спортчиларнинг жисмоний ҳолатини оширишнинг допингсиз воситаларидан фойдаланиш ва уларни яратиш дастурларини ишлаб чиқиш.	Доимо	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ, «Ўзфарманоат» концерни	Бажарувчилар маблағлари	Маҳаллий фармакология ютуқлари ва маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан устувор фойдаланган ҳолда спортчиларнинг жисмоний ҳолатини оширишнинг допингсиз воситаларидан фойдаланиш ва уларни яратиш дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш.
20.	Спорт тиббиёти соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида врач мутахассислар, спортчилар ва мураббийлар иштирокида илмий-амалий семинарлар, конференциялар ўтказиш.	Йилига икки марта	Спорт тиббиёти маркази, МОҚ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ССВ	Бажарувчилар маблағлари	Илмий-амалий семинарлар, конференциялар мавзуларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми
21.	Спорт хусусиятларини ҳисобга оладиган, курсни тугатиш бўйича сертификат бериладиган долзарб курслар ташкил этиш.	Уч йилда бир марта	Спорт тиббиёти маркази, ССВ	Бажарувчилар маблағлари	Врачларни кейинчалик сертификациялаган ҳолда ўқув курслари ўтказишни таъминлаш.
22.	Замонавий жаҳон спорт тенденциялари тўғрисида спортчилар, тиббий ходимларни хабардор қилиш.	Ҳар чоракда	Спорт тиббиёти маркази, ССВ	Бажарувчилар маблағлари	Спорт тиббиётини ривожлантиришнинг муҳим масалалари ақс эттириладиган чораклик илмий-амалий журнал нашр этиш.
V. Спорт патологиялари ва жароҳатларини профилактика қилиш, барвақт диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация қилиш самарадорлигини такомиллаштириш					
23.	Спорт патологияси ва жароҳатларини барвақт аниқлаш, спортчиларни профилактик кузатув ва соғломлаштириш усулларини такомиллаштириш.	2014 йил сентябрь 2014 йил октябрь Доимо	Спорт тиббиёти маркази, ССВ	Бажарувчилар маблағлари	1. Спортчиларни жароҳат ва касалликдан кейин реабилитация қилиш ҳамда травматизм профилактикаси стандартларини тасдиқлаш. 2. Спортчиларни жароҳат ва касалликдан кейин реабилитация қилиш стандартларини амалиётга жорий этиш. 3. Марказ мутахассисларининг спорт федерациялари, командалари ва клубларининг тиббиёт ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмни такомиллаштириш.
24.	Спортчиларни халқаро мусобақаларда қатнашишга психологик жиҳатдан тайёрлаш, шунингдек спортчилар соғлигини зарур психологик коррекция қилиш.	2014 йил октябрь Доимо 2014 йил ноябрь	Спорт тиббиёти маркази, спорт федерациялари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ССВ	Бюджет маблағлари доирасида	1. Чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Спорт турлари бўйича спорт федерациялари, клублари ва командаларида спорт психологлари ишларини ташкил этиш. 3. Республиканинг, яқин ва узоқ хорижий давлатларнинг ихтисослашган етакчи муассасаларида спорт психологлари малака ошириш тизимини яратиш.
25.	Спортчиларни спорт мусобақаларига тайёрлашнинг турли босқичларида овқатланиш рационини яхшилаш.	2014 йил ноябрь Доимо	Спорт тиббиёти маркази, спорт федерациялари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ССВ	Ажратилган маблағлар доирасида	1. Жисмоний юкларнинг интенсивлигига қараб спортчиларнинг овқатланиш рациони бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. 2. Спорт турлари бўйича спортчилар учун спорт озик-овқатлари харид қилиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми
		Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Тасдиқланган жадвалга мувофиқ			3. Мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва қатнашиш даврларида спортчиларни сифатли спорт озиқ-овқатлари билан таъминлаш. 4. Спорт федерациялари, клублари ва командалари тренерлари, спортчилари ва тиббиёт ходимлари учун спорт озиқ-овқатлари масалалари бўйича семинарлар ўтказиш.
26.	Спортчиларнинг иш қобилиятини ва спорт фаолиятини жадал тиклаш мақсадида уларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш механизмини такомиллаштириш.	2014 йил ноябрь 2014 йил ноябрь 2014 йил ноябрь	Спорт тиббиёти маркази, ССВ	Бюджет маблағлари доирасида	1. Кўпроқ учрайдиган спорт жароҳатларини ва спортчилар касалликларини диагностика қилиш ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. 2. Анъанавий ва ноанъанавий (халқ табиоти) тиббиёт ютуқларидан фойдаланиш асосида фармакологик коррекциянинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш. 3. Спорт тиббиёти маркази ва республиканинг ихтисослаштирилган бошқа тиббиёт муассасаларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги бўйича қўшма қарор қабул қилиш.
VI. Антидопинг назоратининг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш					
27.	Миллий антидопинг хизматининг фаолияти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2014 йил октябрь	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	-	Жаҳон антидопинг агентлиги йўналишлари, мақсадлари ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда Миллий антидопинг хизматининг фаолияти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
28.	WADA Жаҳон антидопинг агентлигининг Халқаро кодекси талабларини жорий этиш.	2014 йил ноябрь	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	-	Спорт врачлари, тренерлари ва спортчилар учун WADA Жаҳон антидопинг агентлигининг Халқаро кодексини ўрганиш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш.
29.	Антидопинг хизмати сертификатланган WADA офицерларини тайёрлаш.	2014 йил	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Бажарувчилар маблағлари	WADA офицери сертификатини олган ҳолда мутахассисларни халқаро антидопинг ташкилотларида ўқитиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Молиялаштириш манбалари	Амалга ошириш механизми
30.	Норматив базани такомиллаштириш, самарали антидопинг дастурлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида RADO минтақавий антидопинг ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш.	2014 йил	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги		1. Миллий антидопинг хизматини RADO минтақавий антидопинг ташкилотидан рўйхатдан ўтказиш тадбирларини амалга ошириш. 2. Самарали антидопинг дастурлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
31.	WADA офицерлари томонидан мусобақа даврида ҳам, мусобақадан ташқари даврда ҳам спортчиларни спортнинг тегишли турлари бўйича тест синовларидан ўтказиш.	Доимо	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Бажарувчилар маблағлари	Тест синовлари ўтказиш, пробалар олиш, уларни сақлаш ва уларни Жаҳон антидопинг агентлиги томонидан аккредитация қилинган лабораторияга юбориш.
32.	Спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши кураш масалалари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.	Доимо	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ССВ, Фанлар академияси	Бажарувчилар маблағлари	1. Жаҳон антидопинг агентлиги томонидан тақдим этиладиган методик ва йўриқ-нома материаллар бўйича ҳар ойда мониторинг олиб бориш ва ахборот йиғиш. 2. Методик тавсиялар тайёрлаш.
VII. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш					
33.	Замонавий жаҳон тажрибасини, илмий ишланмаларни мамлакатимиз амалиётига жорий этиш мақсадида спорт тиббиёти бўйича халқаро ташкилотлар ва етакчи илмий марказлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш.	Доимо	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ	Бажарувчилар маблағлари	1. Спорт тиббиёти соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш ва етакчи илмий марказларни аниқлаш. 2. Ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш. 3. Халқаро конгресслар, анжуманлар, семинарлар ва «давра суҳбатлари»да қатнашиш.
34.	Спорт тиббиёти, фармакология ва диетология бўйича биргаликда тренинг-семинарлар, курслар, конференциялар ўтказиш мақсадида жаҳон етакчи спорт врачлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш.	Доимо	МОҚ, Спорт тиббиёти маркази, ССВ	Бажарувчилар маблағлари	Спорт турлари бўйича спорт врачлари учун тренинг-семинарлар, сайёр курслар, конференциялар ўтказиш йўли билан тажриба алмашишни таъминлаш.